

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**553** 2017 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари  
рени тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил  
1 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2843*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни-нинг 5<sup>1</sup>-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. 2017 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари 1 — 115-илова-ларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб қуйидагилар ўз кучини йўқот-ган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2015 йил 2 ноябрдаги 4-мб-сон «2016 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари-ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2728, 2015 йил 13 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 45-сон, 583-модда);

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2016 йил 5 май 2-мб-сон «2016 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тас-диқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2728-1, 2016 йил 12 май) (Ўзбекистон Республика-си қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 19-сон, 220-модда).

3. Ушбу қарор 2017 йил 1 январдан кучга қиради.

**Раис**

**Б. ТУРАЕВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 1 ноябрь,  
3-мб-сон

---

\* Илова берилмайди.